



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-28-15-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Вилоят ҳокимининг сессиялар оралиғида қабул қилинган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21- ва 25-моддаларига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Вилоят ҳокимининг:

2021 йил 19 апрелдаги “Сапаров Илхом Очиловични Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида” Қк-16-сон;

2021 йил 28 апрелдаги “Тўраев Жўрабек Абдуллаевични Сурхондарё вилояти ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари – вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинлаш тўғрисида” Қк-20-сон;

2021 йил 7 майдаги “Эламанов Байназар Мирзаевични Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори лавозимидан озод этиш тўғрисида” Қк-25-сон;

2021 йил 7 майдаги “Арамов Аслиддин Хошимовични Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси директори лавозимига тайинлаш тўғрисида” Қк-26-сон;

2021 йил 12 майдаги “Суванқулов Ахмад Худайшукуровични Сурхондарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимидан озод этиш тўғрисида” Қк-27-сон;

2021 йил 12 майдаги “Хидиров Алишер Бўриевични Сурхондарё вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида” Қк-28-сон;

2021 йил 25 майдаги “Хўжакулов Абдисалом Пардаевични Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимидан озод қилиш тўғрисида” Қк-30-сон;

2021 йил 25 майдаги “Тоиров Фаррух Саламовични Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб – қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинлаш тўғрисида” Қк-33-сонли қарорлари тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.